



**АДВОКАТЛИК ХИЗМАТЛАРИГА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШ, УНДА НАЗОРАТ КАССА МАШИНАСИНИ
АХАМЯТСИЗЛИГИ**

Тураев Шахриёр Шодиёрович

Мустақил Тадқиқотчи. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси
Самарқанд Вилоят Худудий Бошқармаси Бош Бухгалтери

Аннотация:

мақолада адвокатлик хизмати учун тўланиши лозим гонарар-хизмат ҳақининг миқдор томонидан тўланишини самарали йўллари кўрсатилиб, адвокатнинг бажарган адвокатлик хизмати учун асос у билан миқдор ўртасидаги тузилган шартнома ҳисобланишлиги, шартномада хизмати учун тўланадиган миқдор аниқ кўрсатилинганлиги ва уни тўланиши муҳумлиги асослантилган. Назорат касса машинаси аҳоли билан чакана савдо фаолиятини олиб борувчи тадбиркорлик субъектларига тегишлилиги ва бундан адвокатлик хизматида фойдаланиш имконияти йуклиги кўрсатилиб, адвокатлик хизмат ҳақини тўлашни сифатли ва самарали йўллари кўрсатилган.

Аннотация:

В статье показаны эффективные способы оплаты клиентом гонорара за услуги адвоката, основанием оказания адвокатом услуг является договор между ним и клиентом, сумма, подлежащая оплате за услугу, четко указана в договоре и ее оплата обоснована. Показано, что контрольно-кассовая машина принадлежит субъектам хозяйствования, осуществляющим розничную торговлю с населением, и что ее использование в юридическом обслуживании невозможно, а также показаны качественные и эффективные способы оплаты вознаграждения за юридическую услугу.

Abstract:

The article shows effective ways for a client to pay a fee for a lawyer's services; the basis for the provision of services by a lawyer is an agreement between him and the client; the amount to be paid for the service is clearly indicated in the agreement and



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfservices.com

2nd April, 2025

its payment is justified. It is shown that the cash register machine belongs to business entities engaged in retail trade with the population, and that its use in legal services is impossible, and high-quality and effective methods of paying fees for legal services are also shown.

Калит сўзлар: адвокатлик хизмати, тўлов, миждоз, шартнома, назорат касса машинаси, хисобварағ, гонорар.

Ключевые слова: услуги юриста, оплата, клиент, договор, контрольно-кассовый аппарат, счет, гонорар.

Key words: legal services, payment, client, contract, cash register, invoice, fee.

Адвокатура, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабр кунги № 349-І рўйхатдан утган Адвокатура туғрисидаги қонун ва 2008 йил 01 май кунги № ПФ-3993 сонли Ўзбекистон Республикаси президентининг фармонлари билан тартибга солинади. Бу қонуннинг 7-моддасида адвокатнинг вазифалари белгиланган унга асосан адвокат ўз профессионал фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этиши, ўзига юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ҳамда усулларидан фойдаланиши шартлиги, адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки илгари юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган ҳолларда, шунингдек агар ишни суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлган мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек агар адвокат



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfséries.com

2nd April, 2025

бевоСИта ёки билвоСИта шу ишдан шахсан манфаатдор бўлса бу ҳол унга ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) манфаатларига зид келса, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топширикни қабул қилишга ҳақли эмаслиги, адвокат қайси шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш топшириғини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга, агар уни бундан ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) ўзи озод этмаса, ҳақли эмаслиги белгиланган.¹

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрда “Фискал хотирага эга бўлган назораткасса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га 306-сонли Қарори, буни янада мустаҳкамлаш такомиллаштириш борасида яна Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва буларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорида;²

- Нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари аҳолидан нақд пулларни қабул қилишда графикда белгиланган муддатга қадар онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга ихтиёрий, белгиланган муддат тугаганидан кейин мажбурий равишда ўтилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу қарор билан тасдиқланган талабларга (низомларга) риоя этилиши устидан назорат ўрнатилиши;

- Ушбу Низом аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган барча юридик шахслар, яққа тартибдаги ва оилавий тадбиркорлар томонидан фискал модулга эга бўлган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал

¹ Адвокатура тўғрисидаги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда.

² Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2019 й., 09/19/943/4066-сон;



E CONF SERIES



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfseries.com

2nd April, 2025

кассаларни ҳамда электрон тўлов тизимларини қўллаш тартибини белгиланганлиги;

-касса чеки - фойдаланувчи ва харидор (мижоз) ўртасида сотилган товарлар (бajarилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги онлайн-НКМ ёки виртуал кассада амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилган ва электрон шаклда ёки қоғозда чоп этилган, ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, уни амалга ошириш фактини тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатлиги;-каби тадбиркорлик субъектларига мос бажарилиши лозим шартлар кўрсатилган.

Адвокат мижознинг ҳимоя фаолиятига киришишлик учун ўртада шартнома асос бўлиб, унга мувофиқ ордер олинади ва ишни бошлайди. Адвокатнинг номига келиб тушадиган маблағ яъни гонорар тўлови мижоз билан адвокат ўртасида тузилган шартнома (битим) да кўрсатилади. Адвокатлик тузилмаси ҳисобварағига гонорар тўлови адвокат билан мижоз ўртасидаги тузилган шартнома (битим) асосида тўланади.

Назорат касса машинасининг қўллашдан асосий мақсад банкдан ташқари нақд пул муомаласини қисқартириш бўлганда адвокат билан мижоз ўртасида тузилган битимда мижоз томонидан тўланиши лозим гонорар кўрсатилган бўлади-демак бу туловни, гонорарни адвокат томониданми ёки мижоз томониданми адвокатлик тузилмаси ҳисобварағига тўланишини уни назорат касса машинаси орқалими ёки банкга элтиб бериш тариқасидами тўланишини ахамияти қолмайди, тўланиши лозим гонорар миқдори аниқ ва кўрсатилган бўлиб шартномалар руйхатга олинади ва уни тулови мутаносиб равишда тўланади.

Адвокат томонидан топширилган гонорар миқдорларини қай тарзида, қанда топширилиши адвокатлик тузилмаси учун муҳум эмас бўлиб, топширилган гонорар адвокатга тегишли ҳисобланади адвокатлик тузилмаси уни ҳисобварағида жамлайди холос.

Мижоз адвокатга хизмат ҳақини тўлашда адвокатнинг жойлашган тўзилмасига бориш, агар бу иш вақтидан кейин, тунгги ёки байрам, дам олиш кунларига тўғри келса тўловни тўлашликни имкони бўлмайди, бу адвокатга тегишли адвокатлик хизмат ҳақини тўланишдаги асосий тўсиқ бўлиб



ҳисобланади. Адвокатга тузилган шартнома асосида хизмат ҳақи тўланмасдан туриб адвокат мижозга ишонч билдира олмайди ва уни ҳимоясига кириша олмайди. Бунинг оқибатида мижознинг юридик хизмат олиш ҳуқуқи кескин чекланишига сабаб бўлади.

Мижозни адвокатлик хизматида бемалол, тезликда ва куннинг ҳар қандай ҳолатида у иш куними ёки байрами, дам олиш кунларими фойдаланиш имконини, ҳар қандай ҳолатда мижоз манъфати устунлигини таъминлаш мақсадида, адвокатнинг хизматида мижоз эркин ва бемалол тўсиқсиз фойдаланиш мумкин ҳолда, тузилма ҳисобварағига адвокатнинг гонорар тўловининг ким томонидан ва қандай тўланишини аҳамияти йўқ, провардида тўлов белгиланган муддат ичида тўланиши керак ҳолос деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев; 2017-2021 Ҳаракатлар стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни.
4. Хван Л.Б., Солиқ “Ҳуқуқ”.
5. Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2019 й., 09/19/943/4066-сон.